

ISSN : 3030-3974

MAKON VA ZAMON

Пространство и время
Space and time

1

2024

MAKON VA ZAMON

Ilmiy-falsafiy, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-sotsiologik,
ma'naviy-ma'rifiy jurnal

2024/1 (№1)

Biz mutafakkir zotlarning: "Davlatning vazifasi insonlarni baxtli-saodatli qilishdir. Bu maqsadga esa ilm va yaxshi axloq yordamida erishiladi", degan hikmatli so'zlarini o'zimiz uchun dastur deb bilamiz.

Ma'lumki, biz bir yil avval taraqqiyotimizning 5 ta asosiy yo'nalishini belgilab olgan edik. Unda ta'lim sohasini rivojlantirish birinchi galdagi ustuvor vazifa sifatida qayd etilgan.

Men doimo ta'lim, ta'lim, muallim, muallim, deb ta'kidlashim bejiz emas. Chunki ta'limni rivojlantirmasdan turib yuksak taraqqiyotga erisha olmaymiz. Har qanday muammoning yechimi ham, ertangi kunimizni hal qiluvchi omil ham, shubhasiz, ta'limdir.

Shavkat Mirziyoyev
O'zbekiston Respublikasi Prezidenti

M u a s s i l a r: Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini
mexanizatsiyalar muhandislari instituti» milliy tadqiqot universiteti
va O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati

Tahrir hay'ati: t.f.d., professor, akademik O.Salimov, f.f.d., professor
M. Abdullaeva, s.f.d., professor A. Muminov, f.f.d., professor O'. Abilov, p.f.d., professor
R.Choriev, p.f.d., professor Z.Ismoilova, s.f.d. – A.Ravshanov.

ISSN 3030-3974

Bosh muharrir:
Q.N.Nazarov - f.f.d., professor

Nashrga tayorlovchilar:
M.Tursunova, Q.Kdirbayev

Tahririyat manzili: Qori Niyoziy ko'chasi, 39,
Toshkent shahri, 100000,
Bichimi 60x84 Ofset qog'ozi. "Times" garniturası.
Hajmi 20 b.t. Nashriyot hisob tabog'i 30 b.t. Adadi 100 nusxa

*Ассалому алайкум
муҳтарам журналхонлар!*

Доно халқимизнинг “Заррада қуёш акс этади” деган пурҳикмат фикри бежиз айтилмаган. Бугун илк сони чоп этилаётган “Макон ва замон” журнали ҳам мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, янгиланишлар, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мўъжазгина натижаларидан биридир.

Маънавий-маърифий, илмий-фалсафий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий мавзулар ва масалаларни акс эттириши мўлжалланган мазкур журнал саҳифаларида тобора глобллашиб бораётган жаҳон ва янгиланаётган Ўзбекистон ҳаётига оид ҳамда илм-фаннинг турли соҳаларига доир мақолалар чоп этилади.

Таҳририят мамлакатимизнинг зукко зиёлилари, олимлар ва мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, изланувчи ва тадқиқотчилар билан бу борадаги ҳамкорликни ниҳоятда қадрлайди ва ушбу йўналишдаги фаолиятнинг натижадор бўлишига умид қилади.

Зеро, халқимиз саодати, Ватанимиз тараққиёти, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард натижалари учун барчамиз масъулмиз ва бу йўлда бор куч-ғайратимизни ишга солиш муқаддас бурчимиздир!

ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИДА СУЮРҒОЛ ХУҚУҚИ

Шоҳистахон Ўлжаева –
тарих фанлари доктори,
ТИҚХММИ МТУ профессори

Акбар Даминов –
Самарқанд давлат ветеринария
университети катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада Темурийлар давридаги суюрғол ҳуқуқи таҳлил қилинган. Темурийлар даврида (1370-1507) суюрғоллик ҳуқуқи марказий ҳокимият томонидан зодагонлар, ҳарбий қўмондонлар ва бошқа нуфузли шахсларга хизматлари эвазига бериладиган ер эгалиги ва даромад тақсимооти, Амир Темурнинг ўз ўғиллари, қариндош-уруғлари ва ҳарбий маъмурлар ва бошқа давлат учун хизмат қилган нуфузли инсонларга суюрғол ерларни инъом этгани ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Амир Темур, суюрғол, иқтоъ, ер эгалиги, давлат бошқаруви.

Аннотация: В статье анализируется право на суюргольскую систему в период Тимуридов (1370-1507).

В статье упоминается, что Амир Темур раздал большие земли своим сыновьям, родственникам, военным чиновникам и влиятельным людям.

Ключевые слова: Амир Темур, суюргол, икто, землевладение, государственное управление.

Annotation: The article analyzes the right to suyurgol system during the Timurid period (1370-1507). The article mentions that Amir Temur gave large lands to his sons, relatives, military officials, and influential people who served.

Key words: Amir Temur, suyurgol, iqto, land ownership, state administration.

Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир (1336-1405) Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳри яқинидаги Хўжаилғор қишлоғида дунёга келди. Унинг энг асосий тарихий хизматлари шундан иборатки, у мўғулларнинг босқинчилик ва вайронкорликларига қарши курашиб, Ўрта Осиёни улардан халос этди. Майда феодал ва мулкдорларнинг ўзаро низоларига барҳам бериб, кучли марказлашган давлат барпо қилди. Мамлакатда тартиб-интизом ва қонун устуворлигини таъминлади. Унинг даврида "Куч — адолатда" тамойили амалга ошди, иқтисод ва маданият юксалди, ўзга мамлакатлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди.

Амир Темур моҳир ҳарбий саркарда сифатида ном қозонди. У ўз ҳаётини Мовароуннахр халқининг фаровонлиги, юрт ободлиги учун сарфлади, унинг даврида хашаматли бинолар, қурилиш иншоотлари, гўзал боғлар бунёд қилинди, мадрасалар ва масжидлар қурилди, мамлакатимиз Шарқнинг гўзал ҳудудига айланди.

Суюрғол Амир Темур давлати ташкил этилиши арафасида жорий қилиниб, у «иктоъ» — бир бўлак ер бериш тарзида маълум туман ёки вилоятни ҳукумат ёрлиғи билан олий ҳукмдор авлодлари ва хизмат кўрсатган юқори табақа зодагонларига инъом этилган.

Амир Темур забт этган мамлакатларнинг баъзи вилоят ва туманларини шу ерларнинг олдинги эгаларига, ўз ўғиллари, неваралари, қариндошлари, атоқли лашкарбошилар, амир ва бекларга суюрғол тарзида берган ва улар «дарбаста Суюрғол» деб юритилган. Улус ноиблиги ёки вилоят ҳокимлигига аксарият шахзодалар ёки хизмат кўрсатган саркардаю давлат маъмурлари тайинланган. Чунки Амир Темур мамлакатни, хусусан фатҳ этилган вилоят ва ҳудудларни ўғиллари, набиралари ва хизмат кўрсатган амирларига суюрғол тарзида инъом қилиб, улар орқали бошқарди [1,84].

Суюрғол эгалари ўзларига бириктирилган ерлардан солиқ ва бошқа даромадларни ундириш ҳуқуқига эга эдилар. Бу даромад эгасининг шахсий эҳтиёжларини қондириш, ҳарбий кучларни сақлаш ва маҳаллий бошқарувни олиб бориш учун сарфланган.

Суюрғол ерлар мерос мулки ҳисобланмаган ва у марказий ҳокимият томонидан бекор қилиниши мумкин эди.

Суюрғол ҳуқуқ эгалари марказий ҳокимиятга ҳарбий ёрдам кўрсатишлари керак бўлган. Бунга маълум миқдордаги қўшинларни сақлаб туриш ва ҳарбий юришларда қатнашиш мажбуриятлари кирар эди.

Суюрғол эгалари ҳарбий вазифаларидан ташқари ўз ҳудудларини бошқариш учун ҳам масъул бўлганлар. Бу қонун ва тартибни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини назорат қилиш ва маҳаллий низоларни ҳал қилишдан иборат эди.

Суюрғол ерлар ҳажми, шарти ҳамда ер ва ёрликка эга шахсларнинг табақаси жиҳатидан турлича бўлган. Одатда, шаҳар ёки вилоятлардан тортиб, то алоҳида қишлоққача суюрғол шаклида инъом этилган. Бутун бир шаҳар ёки вилоят кўпинча ҳукмрон сулола намояндалари ёки йирик ҳарбий ва давлат мансабдорларига берилган.

Суюрғол эгасига ўз суюрғоли доирасида амалдорлар тайинлаш, солиқлар ва турли тўловларни тўплаш ҳамда айбдорларни жазолаш ҳуқуқи берилган. Суюрғол ёрлиғига эга бўлган вилоят ҳукмдорлари марказий ҳокимиятга фақат номигагина қарам бўлиб, одатда, улар деярли мустақил эди. Суюрғол эгалари тобелигини кучайтириш мақсадида марказий ҳокимият баъзан улар тасарруфидаги ер майдонларини қисқартирар ёки уларнинг маъмурий ва адлия жиҳатидан ҳақ-ҳуқуқини чеклаб қўяр эди. Суюрғол эгаси марказий ҳукуматга бўйсунмаган тақдирда суюрғол ҳуқуқидан маҳрум бўлар ва ҳоким унинг вилоятини бошқа шахсга берар эди.

“Темур тузуклари”да “Қайси амирга мулк берилар экан, уни уч йилгача ўз ҳолига қўйсинлар. Уч йил ўтгандан сўнг уни текшириб кўрсинлар. Агар мамлакат обод, раият рози экан, шу ҳолича қолдирсинлар. Агар аҳвол бунга терс бўлса, у вилоятни ҳолисага ўтказиб, уч йилгача ўша жогирдорга ҳақ берилмасин”[2,90], - дейилади.

Бўйсунмагани учун Шоҳрух Мирзо 1414 йилда Мирзо Искандарни, 1415 йилда эса Мирзо Бойқарони суюрғолдан маҳрум қилган.

Темурийлар даврида майдони жиҳатидан майда ва ҳақ-ҳуқуқи жиҳатидан анча-мунча чекланган суюрғол ерлари ҳам бўлган. Бундай майда суюрғол ерлари, одатда, хизмат кўрсатган кичик мансабдаги ҳарбийлардан тортиб, олий ҳукмдорнинг мунтазам гвардиясидаги ҳарбийларгача берилган.

Амир Темур ҳаётлиги чоғида салтанатни асосан тўрт қисм (улус)га бўлиб, ўғил, набираларига тақсимлаб берган: Хуросон, Журжон, Мазондарон ва Сейистон (маркази Хирот) Шоҳрухга, Ғарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон (маркази Табриз) Мироншоҳга, Форс, яъни Эроннинг жанубий қисми (маркази Шероз) Умаршайхга, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон (маркази Ғазна, кейинчалик Балх) Пирмуҳаммадга суюрғол қилиб берилган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Шоҳрух даврида Хоразм — Шоҳ Малик; Фарғона — Мирзо Аҳмад; Тус, Машҳад, Обивард, Нисони ўз ичига олган Хуросон — Бойсунғур; Кобул, Ғазна ва Қандаҳор вилоятлари Мирзо Қайду баҳодирларга суюрғол қилиб берилган.

Амир Темурнинг тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгир ва унинг авлодлари валиаҳд қилиб тайинланган. У вилоят ҳокими бўлиб, ўн икки минг отлик аскар, иккинчи ўғли— Умаршайхга ўн минг отлик аскар, уларнинг улуфасини ва бир вилоятни олган. Учинчи ўғли—Мироншоҳ тўққиз минг отлик аскарга улуфа олиб, бир вилоятни бошқарган. Тўртинчи ўғли Шоҳрух етти минг отлик аскарга улуфа олиб, бир вилоятга эга бўлган[3,42].

Баъзан суюрғол ерлари олий ҳукмдорнинг фармони билан авлоддан авлодга мерос қолдирилган. Масалан, Амир Темурнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир вафотидан сўнг унга

тегишли Балх вилоятига Кобул, Ғазна ва Қандаҳорни қўшиб, марҳумнинг ўғли Пир Муҳаммадга берилди. Шунингдек, Умаршайхнинг ўғли Рустамга Исфаҳон, Мироншоҳнинг ўғли Абу Бакрга Бағдод суюрғол қилинади.

Вилоят ҳокимлари — шахзодалар ўз тасарруфидаги мулкларда иложи борида доимо мустақил ҳукмронлик қилишга интилар эди. Марказий ҳукумат эса вазият жиддийлашган пайтлардагина уларнинг ички ишларига аралашарди.

Набиралар эса ҳар қайсиси, истеъдодига яраша, уч мингдан етти минг отликқача улуфа олиб, бир вилоятга эгалик қилганлар.

Амир Темурнинг қариндошларига ҳам суюрғол ажратилар эди. “Уларга ўз ҳолига қараб, қобилиятига яраша, биринчи даражали амир мартабасидан тортиб то еттинчи даражали амир мартабасигача бўлган амирлик ва ҳукмдорлик (мансаблари) берилган. “Уларнинг ҳар бири ўз мартабасига яраша иш тутиб, ҳаддидан ошмасин. Бунга ҳилоф равишда иш тутганлар жавобгарликка тортилсин”, - дейилади «Темур тузуклари»да.

Амир Темур давлатни ўзига хос тартиб қоидаларга асосланган ҳолда идора қилган.

Суюрғол ерлар Темурийларга ҳокимиятни мустаҳкамлашга ва Форсдан Ҳиндистонгача чўзилган улкан империясини бошқаришга ёрдам берди.

Темур вафотидан кейин унинг авлодлари ўртасидаги тахт учун курашларда суюрғол тизими ҳал қилувчи рол ўйнади.

Кучли суюрғол эгалари кўпинча тахтга турли даъвогарларни қўллаб-қувватлаб, империянинг сиёсий ҳаётига ўз таъсир ўтказдилар.

Суюрғол тизими салтанат ичидаги турли минтақаларнинг маданий ва иқтисодий ривожланишига ёрдам берадиган маҳаллий автономия асосини яратди. Бир томондан суюрғол тизими мамлакатни бошқаришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилган бўлса иккинчи томондан салтанатнинг тез фурсатда тарқоқлашишига, уни бўлакларга бўлиниб кетишига ҳам таъсир кўрсатди.

Суюрғол эгаларининг санъат ва меъморчилик ҳомийлари сифатида Темурийлар даври маданиятининг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшганларини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Суюрғол тузуми Темурийлар маъмурий ва ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий бошқарувининг муҳим қисми эди. Бу Темур ва унинг ворисларига садоқат ва ҳарбий хизматни мукофотлаш ва шу тариқа кенг салтанатни устидан назоратни сақлаб қолиш имконини берди. У бошқарув ва ҳарбий ташкилотни таъминлаган бўлса-да, марказий ҳокимиятга қарши кураша оладиган, империянинг барқарорлиги ва ворислик динамикасига таъсир кўрсатадиган кучли маҳаллий элиталарнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Амир Темур жаҳон тарихида. Тошкент, 2021. -Б. 84.
2. Темур тузуклари /Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Карома тов тарж.; Б. Аҳмедов таҳр. остида; /Сўзбоши ва изоҳлар Б. Аҳмедовники/. — Т. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1996. -Б.90.
3. Темур тузуклари. Форсча матндан Алихонтўра Соғуний ва Ҳабибулла Кароматов таржимаси / Изоҳлар Бўрибой Аҳмедов ва Ашраф Аҳмедов томонидан тайёрланган. Тошкент, 1991-1996. -Б. 42.

MUNDARIJA:

Тафаккур хазиначидан		3
"Авесто" фалсафаси		3
М.Абдуллаева	Янги ўзбекистон – янги қадриятлар макони	6
Ў.Абилов	Янги ўзбекистонда оптимизм, идеаллар ва маданият уйғунлиги	9
А.Муминов	Янги ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлашнинг устувор йўналишлари	12
И.Саифназаров	Талаба ёшларнинг ватанпарварлик фазилатини ривожлантиришда ижтимоий фанлар бўйича инновatsion лойиҳаларнинг роли	15
S.A.Choriyev G.K.Ismoilova	Yangi ma'naviy makon shaxs ma'naviy qiyofasini yuksaltiruvchi muhit	18
Ш.Ўлжаева, А. Даминов	Темурийлар салтанатида суюрғол ҳукуқи	23
Қ.Шадманов	Ingliz "metafizik maktab"ning asoschisi jon donning falsafasiy she'ryati haqida	26
А. Болтаев	Ибн арабий талқинида вақт масаласи	29
С.Ағзамходжаева	Ижтимоий-сиёсий идеал: ўзига хос белгилари ва ижтимоий онда намоён бўлиши	33
G.X.Bekmurodova	Ijtimoiy sohadagi destruksiya -barqarorlikka tahdid manbai	36
T.Qurbonov	Mentalitetga xos bo'lgan asosiy xususiyatlar	40
R.Rustamov	Zamonaviy targ'ibot sistemalari evolyutsiyasi	44
Г.Нишонбоева	Замонавий “маданиятшунослик” фанининг долзарб масалалари	47
Д.Бозаров	Синергетик парадигма ва унинг илмий-фалсафий муаммолари	50
А.Равшанов	Ўзбекистонда шаҳарларнинг ўсиши ва урбанизация муаммолари	53
Б. Мамадаминова	Полвонниёз юсуповнинг хотиралари – ххср тарихини ўрганишнинг муҳим манбаси	57
М.Хакимова	Yangi O'zbekiston – yoshlar faoligidagi yangicha dunyoqarash	60
Х.Ботирова	Аграр соҳа ходимларининг маиший турмуши ва ижтимоий ҳимоялаш масалалари	64
Н. Алимухамедова	Янги Ўзбекистонда миллий миллий ўзликни англаш масалалари	67
Z. Boymurodov	Yoshlar turmush tazrida tadbirkorlik faoliyatning o'rnini va ahamiyati	70

Д. Ахмедова	Некоторые вопросы государственной политики по защите прав женщин в новом Узбекистане	73
A.To‘rayeva	Oilaviy muhitga ta’sir qiluvchi omillar	76
Н.Рахмонбердиева	Оила – жамият тараққиётининг маънавий-ахлоқий пойдевори	80
L.J.Soxibova	O‘zbekistonda shaxs madaniy saviyasining asosiy xususiyatlari	83
O‘.M.Akilova	Abu Nasr Farobiy ta’limotining yoshlar ma’naviyatini yuksaltirishdagi o‘rni	87
G. Ravshanova	O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida fuqarolik jamiyati institutlari maqomi	91
Q.M.Kdirbayev	Ijtimoiy-iqtisodiy omillarning yangi qadriyatlar tizimi shakllanishiga ta’siri	94
L.Sh.Anvarova	Mehnat samarasining iqtisodiy rivojlanishni optimallashtirishdagi imkoniyatlari	97

MAKON VA ZAMON

Ilmiy-falsafiy, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-sotsiologik,
ma'naviy-ma'rifiy jurnal

2024/1 (№1)

Berilgan ISSN tartib raqami **3030-3974**

Bosh muharrir:

Q.N.Nazarov - *f.f.d., professor*

Nashrga tayorlovchilar:

M.Tursunova, Q.Kdirbayev

Tahririyat manzili:

Qori Niyoziy ko'chasi, 39,
Toshkent shahri, 100000, O'zbekiston
tiiame.uz

Bichimi 60x84 Ofset qog'ozi. "Times" garniturası.
Hajmi 20 b.t. Nashriyot hisob tabog'i 30 b.t. Adadi 100 nusxa